

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил сентябрь ойининг 29 куни, жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят Навбаҳор тумани суди очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи, судья А.Сайдуллаев, судья ёрдамчиси Б.Фармоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Навбаҳор туман прокурори ўринбосари А.Қамбамров, жабрланувчи С.Эргашбоева ва судланувчи А.Джангибаевнинг иштирокида, Жангибаев Азизжон Тажибаевичга нисбатан бўлган №1-2106-2301/61-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра.

Судланувчи Жангибаев Азизжон Тажибаевич (Djangibayev Azizjon Tajibayevich) 1986 йил 03 февраль куни Навоий вилояти, Навбаҳор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, бир нафар фарзанди бор, Навбаҳор туман Ўрмон хўжалигида ишчи, Навбаҳор тумани “Юқори Бешрабат” маҳалласида яшайди, жиноят иши бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида” ги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нухасини 2023 йил 2 август куни олган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Жангибаев Азизжон Тажибаевич 01.11.2021 йилдан 01.12.2022 йилга қадар 10.710.410 сўм миқдоридagi алимент пулларини ундирувчи С.Эргашбоевага тўламасдан, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлиги учун жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг 23.12.2022 йилдаги қарори билан МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, унга ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоқ жазоси тайинланган бўлсада, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг 29.06.2021 йилдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Эргашбоева Сарвиноз Дадахон қизининг фойдасига 16.10.2020 йилда



туғилган Тажибаева Чарос Азизжон қизи исмли фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақининг 1/4 (тўртдан бир қисми) миқдорида 01.12.2022 йилдан бошлаб фарзанди вояга етгунга қадар алимент ундирилиши белгиланган бўлсада, 01.12.2022 йилдан 01.08.2023 йилга қадар жами саккиз ойдан ортиқ муддат давомида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб, жабрланувчи С.Эргашбоевага 7.879.058 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Жангибаев Азизжон Тажибаевич айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у алимент пулларини тўламаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг 23.12.2022 йилдаги қарори билан ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоқ жазоси тайинланганини, фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг 28.01.2022 йилдаги ижро варақасига асосан ундирувчи С.Эргашбоеванинг фойдасига 16.10.2020 йилда туғилган Тажибаева Чарос Азизжон қизи исмли бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақининг тўртдан бир қисми миқдорида вояга етгунга қадар алимент белгиланганини, у оилавий шароити оғирлиги сабабли 01.12.2022 йилдан 01.08.2023 йилга қадар алимент пулларини тўлай олмаганини, оилавий шароити оғирлигини, шу сабабли тўлай олмаганини, яқинда ишга жойлашганини, алимент пулларини ўз вақтида тўлаб боришини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, унга нисбатан енгиллик беришликни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Эргашбоева Сарвиноз Дадахон қизи ўзининг кўрсатмасида, у А.Джангибаев билан 2019 йилда турмуш қуриб, 2020 йилгача яшаганликларини, фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг 29.06.2021 йилдаги ижро варақасига унинг фойдасига 16.10.2020 йилда туғилган Тажибаева Чарос Азизжон қизи исмли фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақининг 1/4 миқдорида алимент ундирилиши белгиланган бўлсада, А.Джангибаев маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг ҳам алимент пулларини тўламасдан келганини, шу сабабли ушбу алимент пулларини ундириб, А.Джангибаевга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраб кўрсатма берди.

Шунингдек, суд, судланувчи А.Джангибаевнинг айби Фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг 29.06.2021 йилдаги суд буйруғи билан, 28.01.2022 йилдаги ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарор билан, жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг 23.12.2022 йилдаги суд қарори билан, мажбурий ижро ҳаракатлари давомида Жангибаев Азизжон Тажибаевичга юборилган 11.11.2022 йилдаги, 22.12.2022 йилдаги, 06.04.2023 йилдаги, 15.05.2023 йилдаги, 10.06.2023 йилдаги ва 17.07.2023 йилдаги огоҳлантириш хатлари билан ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа инкор этиб



бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботи топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Жангибаев Азизжон Тажибаевичнинг маъмурий жазо қўллангандан сўнг моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларнинг моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Жангибаев Азизжон Тажибаевичнинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига кўра айбига иқрорлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари деб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида: давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи Жангибаев Азизжон Тажибаевичга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиш билан бирга, етказилган зарарнинг миқдорини ва унинг қопланмаганлигини, жабрланувчи С.Эргашбоевнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида” ги тилхат тарзидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилиб, суд залидан қамоққа олишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддаси 7-қисмининг “а” бандида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил колонияларда ўташ белгиланганлиги сабабли



А.Джангибаевга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил колонияларда ўташни белгилашни лозим топди.

Суд, Навбаҳор туман прокурори томонидан киритилган даъво аризани муҳокама қилиб, уни тўлиқ қаноатлантиришни ва ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи А.Джангибаевдан жабрланувчи С.Эргашбоевнинг фойдасига 7.879.058 сўм моддий зарарни ундиришни белгилашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457,460,463,465-468,471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Джангибаев Азизжон Тажибаевич (Djangibayev Azizjon Tajibayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу моддага асосан 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2023 йил 29 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Джангибаев Азизжон Тажибаевичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида” ги тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Навбаҳор туман прокурори томонидан киритилган даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи А.Джангибаевдан жабрланувчи С.Эргашбоевнинг фойдасига 7.879.058 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида шу суд орали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

А.Сайдуллаев

